

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.Йўлдашев Темурбек Казбеков – Германияда ўқиган андижонлик талаба	91
--	----

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Ф.Орипжонова А.Ахматованинг ижодини ўрганишда метафорик ёндошув	95
З.Қобилова, Э. Қобилова Татабуда шакл ва мазмун	98
З.Ж.Пардаева Чингиз Айтматовнинг “Асрга татиғулик кун” романи метафорикасида бадиий тафаккур фалсафаси талқини	101
В.Аҳмедова Тарихий драмада Амир Темур образи	105
А.К.Абдурахмонов Адабиётда турна тимсолининг тасвирига доир	109
Г.Муҳаммаджонова Ўзбек ва жаҳон адабиётида мусаввир образи	112
О.Солиева Нишотий мухаммасларининг матний-қиёсий таҳлили (I қисм)	117

ТИЛШУНОСЛИК

Н.Муродова Инглиз, рус ва ўзбек тилларида энантиосемияни ўрганишнинг тарихий асослари	122
Н.Чиниқулов Оммавий коммуникацияда ахборот матнлари	127
М.Мамажонов Антропонимлар дискурс релеванти сифатида	130
Н.Т.Махмудова Айрим телекоммуникация терминларида ўз ва ўзлашган қатлам муносабати	133

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Р.Х.Максудов Элнинг ардоқли шоири	137
А.Сабирдинов, Н.Мамадалиев Асқар Қосимов шеърининг маҳоратининг баъзи жиҳатлари тўғрисида	139
А.Турдиев Замонавий ўзбек адабиётида фольклоризм	141
Б.Қурбонова, З.Каримова Ўзбек ва қирғиз фразеологизмларининг семантик таҳлили	145
С.Усмонова Ўзбек ва инглиз маърифатпарварлик ҳаракатининг ижтимоий-фалсафий асослари	148
Ж.М.Отажанов Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида рефлексив кўникмаларни ривожлантиришнинг шартлари	152
О.Хасанова Янги сўзларни ўқувчиларга ўргатишда мнемотехникадан фойдаланиш усуллари	156
Д.Қамбарова Мавзуни тақдим қилиш, талабаларга билим бериш ва назорат усуллари	160

ҚОНУН ВА ИЖРО

А.Ўринов “Фанлар подшоҳи” – Республика Президенти нигоҳида	163
--	-----

ЭЛНИНГ АРДОҚЛИ ШОИРИ
ЛЮБИМЫЙ ПОЭТ НАРОДА
NATIONAL FAVORITE POET

Р.Х.Максудов

Аннотация

Мақолада Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймон ҳаёти ва ижоди, шеърини маҳоратиغا хос жиҳатлар ёритилган. Шоир услубидан ўзига хосликлар ҳақида маълумотлар берилган.

Аннотация

В статье освещается жизнь и творчество, своеобразие поэтического мастерства Народного поэта Узбекистана Туры Сулеймана. Представлены сведения об уникальном стиле поэта.

Annotation

In the article the life and creativity, the distinctive ness of the poet and mastership of Uzbek public poet Tura Sulayman is depicted. Also the information about unique style of the poet is given.

Таянч сўз ва иборалар: шеърят, маҳорат, услуб, миллийлик, она образи, ўзбек адабиёти, жанр, хотиралар, бадиият, атоқли шоир.

Ключевые слова и выражения: поэзия, мастерство, стиль, национальное своеобразие, образ матери, узбекская литература, жанр, воспоминания, художественность, выдающийся поэт.

Keywords and expressions: poeticmastership, style, national distinction, the image of mother, uzbek literature, genre, remembrance, artistry, famous poet.

Бадиий адабиёт инсон маънавий камолотида муҳим ўрин тутди. Шу боис ёзувчи ва шоирларни инсон қалбининг муҳандисларига қиёслайдилар. Қаердаки илм-маърифат, бадиий адабиёт эъзоз ва эътиборда экан, ўша юртда маънавий баркамоллик, тараққиёт, ривожланиш бўлади.

Ушбу масаланинг моҳиятини теран англаган ҳолда республикамиз Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан аҳоли ўртасида мутолаа маданиятини юксалтириш, китобни, илмни қадрлаш, адабий алоқаларни йўлга қўйишда инновацияни жорий этиш бўйича бир қатор долзарб вазифалар белгиландики, бу, қисқа фурсатларда ўз самарасини бера бошлади.

Академиклар, олимлар, ҳассос ижодкорлар фаолиятига эътибор ва эътироф, таниқли шоир ва ёзувчилар таваллудини кенг нишонлаш, уларнинг ижодий фаолиятини ўрганиш юзасидан қатор тадбирларнинг ташкил қилиниши, махсус курсларнинг ўтилиши, китобсеварларни моддий ва маънавий рағбатлантириш каби ишлар таҳсинга сазовордир. Ана шундай муҳим вазифалар ва қадриятлар қаторида адабий ўлкашунослик бўйича фаолиятини кенгайтириш, вилоятларда яшаб, ўзбек адабиёти тараққиётига муносиб ҳисса қўшган шоирлар ижодини элга янада кенгроқ танитиш борасида амалга оширилаётган қатор

тадбирлар ушбу эзгу ишларнинг бир кўринишидир.

Улуғ инсонлар ҳақида сўз борганда, атоқли шоир Мақсуд Шайхзоданинг “Умрлар бор – тиригида ўлиқдир, умрлар бор – мангуликка тириқдир” сатрлари бот-бот хаёлимизга келади. Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймон ҳаёти ва ижоди мангуликка дахлдор ҳодисалардан биридир.

Тўра Сулаймон 1934 йилда Сирдарё вилояти Бахмал туманида таваллуд топган. 1964 йилда ТошДУнинг журналистика факультетини тугатган. Илк шеърини тўплами “Истар кўнгил” (1962) номи билан нашр этилган. Шоирнинг “Мен қайга борар бўлсам” (1965), “Жаҳонгашта” (1970), “Ҳамқишлоқларим” (1973), “Интизор” (1973), “Сирдарё қўшиқлари” (1974), “Илтижо” (1976), “Алҳазар” (1976), “Тўйбоши” (1977), “Сизни эсламан” (1980), “Қора кўзгинам” (1981), “Гулшан” (1988), “Сарвиноз” (1990), “Харсанг” (1994), “Жаҳоннома” (1996), “Гул бир ён, чаман бир ён” (1996), “Ёв қочди” (1998), “Сайҳон” (2003), “Мамлакатнинг таянч нуқтаси” (2004) каби ўнлаб китоблари халқ юрагидан чуқур жой олди. Тўра Сулаймон серқирра ижодкор. У турли жанрларда ижод қилди. “Қорасоч” (1965) достони ўз вақтида шеър ихлосмандлари ва адабиётшунослар томонидан илиқ кутиб олинди. Шоирнинг “Эргаш Жуманбулбул эл кезади” туркумидаги бахшиёна шеър ва

Р.Х.Максудов – ФарДУ ректори, техника фанлари доктори, профессор.

достонлари миллий қадриятлар, миллий руҳиятни ёрқин ифодаловчи асарлар сифатида алоҳида аҳамиятга эга.

Тўра Сулаймон ўзбек адабиётига ўз овози билан кириб келган нодир ижодкордир. Ўз шеърларидан бирида шоир “*Ота мерос созим турганда, ўзга созни чалгулик қилма*”, деб ёзади. Чиндан-да, шоир шеърлари халқ оғзаки ижодининг бой манбалари, анъаналари, бахшиларнинг соҳир оҳанглари таъсирида яратилган. Уларда кўҳна Сирдарёнинг жўшқинлиги, тоғлар табиатининг тиниқлиги мужассам.

Тўра Сулаймон ўз услуби билан ўзбек шеърлигига айрича миллий руҳият олиб кира олган серқирра ижодкор эди. Тўра Сулаймон табиат шайдоси, она юртнинг фидойи бир ўғлони, оққўнгил ва самимий инсон сифатида элнинг меҳру муҳаббатини қозона олди. Шоир барча қадрдонларига қарата қуйидагича хитоб қилади:

*Туққан, туғишгандек дилкаш барингиз,
Бехазон, бехатар куз, баҳорингиз.*

Унинг шеърларида Ватанга, унинг гўзал табиатига буюк муҳаббат акс этади. Миллий қадриятлардан ғурур ва роҳат ҳисси, оддий ва самимий инсонларга, Ватанига гўзал бир эҳтиром, тарихини, ўзликни англаш, Ватан тақдирини ўз тақдири деб билиш, халқ дарду қайғусини қалбан англаш, унга қайғуриш шоир ижодининг хос жиҳатларидан биридир.

Тўра Сулаймон шеърлигида Ватан мавзуси баланд пардаларда тараннум этилган. Унинг “Фахрия” шеърлигидаги “Кўҳна ота юртим, қадим Туроним, Ўз бешик, ўз тилим, шавкатим, шаъним. Етти иқлим ичра тенги топилмас – Тупроқлари олтин Ўзбекистоним. Сен тошқин Жайхуним, теран Сайхуним, Сен – менинг ўтмишим, сен – ёруғ куним. Елкадош ўлкалар билан ҳамнафас, Шонли Туркистоним – Ўзбекистоним” сатрлари фикримиз далили бўла олади. Ёки “Илтижо” шеърлигида Ватаннинг улғуворлиги, азиз ва муқаддаслиги ҳар нафаси умрга арзигулик бетакрор баҳорида, ота-

боболар ҳоқини ўзига жо этганида эканлигини равон ифода, самимий туйғулар сингган мисраларда ифодалайди.

Шоир шеърларида она образи алоҳида ўрин тутди. Фаришта мисол онанинг тавсифларида фарзанднинг муҳаббати илоҳий қадриятлар билан уйғун акс этади:

*Мен дедим Қиблам ҳам сиз, Маккам, ҳам
Мадинам Сиз,
Мен учун муборак ўн саккиз минг олам
Сиз.
Бу дунёда қиёси, тенги кам
муҳтарамсиз,
Бир сизга сиғингайман, Сиз ахир
паноҳимсиз.*

Тўра Сулаймоннинг инсоний фазилатлари ёш авлодга ибрат бўларлик. Шоирнинг оталик меҳри нафақат шеърларида, фарзандларига ёзган мактубларида ҳам ёрқин акс этиб туради. “Тўра Сулаймон ижодида маънавий-маърифий тарбия масалалари” илмий мақолалар тўпламида шоирнинг Ўзбекистон халқ шоири Зулфияга ва қизи Юлдуз Бегалиевага ёзган мактублари келтирилганки, уларда шоирнинг руҳий оламини янада теранроқ кашф этиш мумкин. Самимият ва бироз ҳазилнамо жумлалар билан битилган мактубларда ижодкор шахс аслияти намоён бўлади.

Шоир ҳаёт йўлини ёшларга илм бериш билан ҳам беади. У кўп йиллар фаолият олиб борган Гулистон давлат университети олимлари, профессор-ўқитувчилари Тўра Сулаймонни жонкуяр ва фидойи устоз сифатида илиқ хотиралар билан ёдга оладилар. Устоз учун эса шогирдлар ва ҳамкасблар эътирофидан қимматлироқ нарса бўлмаса керак.

Тўра Сулаймон элнинг ардоқли шоири, оқил фарзанд, қадрли устоз, бахтиёр ота сифатида эъзоз-эътибор топди. Унинг ижоди ва инсоний фазилатлари билан боғлиқ хотиралар ҳали кўплаб дилларга ёруғлик улашмоғи аниқ.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-том. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
2. Мирзиёев Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган олий баҳодир. 2-том. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
3. Тўра Сулаймон. Қоракўзгинам. – Т.: Ёш гвардия, 1981.
4. Тўра Сулаймон. Гулшан. – Т.: Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988.